



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



Дунё кесимида мамлакатимиз ҳаётини катта йўлга чиққан кичик карвонга менгзаш ўринли бўлурди. Дунё сиёсий харитасида айна дам 200 дан ортиқ мамлакат бўлса гар, уларнинг 193 тасига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)дек универсал ҳамжамиятга аъзо бўлишдек фахрли мақом насиб қилиб турибди. Ҳали миллий давлатчиликка эга бўлмаган ёинки мавжуд, бироқ халқаро ҳамжамиятга de jure аъзо бўлмаган давлатлар қанча.

## ТИНЧЛИК УЧУН, МАЪРИФАТ УЧУН

Аҳолиси сони бўйича 46-ўринда, худуди бўйича 53-ўринда бўлган юртимиз – Ўзбекистонимиз 1991 йил 31 август санасида ўзининг давлат мустақиллигига эга бўлди, 1992 йил 2 март санасида БМТга тўлақонли аъзо бўлди. Айтиш мумкинки, тенглар ичра тенг бўлди!

Бироқ ўтаётган дамлар юртлараро, халқлараро, давлатлараро жуда жиддий масалаларни ўртага қўймоқда. Тириклик – бошпана ғами, қорин ғами, кийим-кечак ғами, эҳ-ҳе. Аммо сўнгги пайтлар воқеалар ривож кўрсатмоқдаки, ТИНЧЛИК ғами, неъмат энг муҳими экан! Ҳеч муболағасиз, фавқуллоддаси экан! Энг тансиғи экан!

Мамлакат ва бу юртда истиқомат қилаётган 136 миллат ва элат вакиллари ўртасида тинчлик, тотувлик, жипслик ва хавфсизликни таъминлаш давлатимизнинг бош ижтимоий вазифаси бўлган бугунги дамларда шу йўлда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари буларнинг бари, барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улуғвор ва эзгу мақсад ва вазифалардир. Янгиланаётган Мўйнок, тобора жаҳонга бўй чўзаётган Ғелон, Жиззахдаги Манас қишлоғини, Ёрқишлоқ (Жалақудук), Ғова (Чуст), Азимобод (Олтиариқ)ни бугун билмаган инсон йўқ. Аслида ушбу ташбехларни юртимиздаги минглаб қишлоқларга, йўқ, йўқ, барча қишлоқларга нисбатан айтиш мумкин. Ҳа, Ватанда, миллатда, ота-онада танлов йўқ! Ҳар ким ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган юрти-гўшаси ҳақида фахрлансин, ғурурлансин, ифтихор туйсин! “Анжанликлар келди” иборасини эшитмаган инсон йўқ орамизда. Айна пайтда шундай ўлкага муносиб фарзанд бўлиш, унинг бир зарраси бўлишдек масъулиятни ҳис қилиш ҳам муҳим.

*Шоир куйлайди, “Нега нолиб яшайсан,  
берганига шуқр қил,  
Кўзинг ёруғ дунёни кўрганга шуқр қил.  
Шивирлаган майсалар гилам бўлди йўлингга,  
Оқар сувлар уйингга келганига шуқр қил...”*

Ҳа, бундай юртни эларо, эллараро, юртаро, юртлараро куйлашга муносиб фарзандлар маънавий ҳақли эканини ҳам қайд этмоқ лозим.

Шу маънода мамлакат қонун чиқарувчиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–990-сон Қонуни (2024 йил 5 ноябрь) ана шу масалага бағишланди.

Дарҳақиқат, ушбу қонун ҳужжатининг муқаддима-сида қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида маърифий фаолиятни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли орасида, айниқса ёшлар ўртасида носоғлом маърифий ишларни амалга ошириш ҳоллари кўпайиб, бундай тадбирлар доирасида аҳолининг ва ёшларнинг онгига, маданиятига ва ҳис-туйғуларига бегона бўлган турли ёт қарашлар ва ғоялар сингдирилмоқда.

Ҳозирги вақтда мазкур соҳага аҳолининг қизиқиши кучайиб бораётганлиги ҳамда у бу борада фаолият юритувчи шахсларнинг асосий даромад манбаига айланиб бораётганлиги соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруриятини юзага келтирди. Шу муносабат билан ушбу қонун орқали мамлакатимизнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча киритилди. Ўз навбатида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мазкур фаолият турига қўйиладиган талабларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди. Бир сўз билан айтганда, қонун маърифий фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Инсон омили


## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ

Янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниши, инсонларнинг шахсий ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалар нуфузини янада қонунийлаштирди.

Бунга мисол қилиб, бевосита инсоннинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини айта оламиз ва ушбу норма бош қомусизмининг 31-моддасида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 31-моддасида шундай дейилган: “Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга”.

Конституциямизга мувофиқ инсоннинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўйилмайди ва у дахлсиздир. Бироқ, баъзи ҳолатларда инсоннинг ушбу шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи қонунга мувофиқ ёки суднинг ҳал қилув қарори асосида чекланиши мумкин. Шу билан биргаликда, ушбу моддада ёзилганки, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари ва шу турдаги ўзига тегишли бўлган ҳужжатлар ёки материалларни сир сақлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳар бир инсоннинг ўзига тегишли маълумотлари ҳимоя қилиниши, нотўғри маълумотлари эса, тикланиши, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан эгалланган маълумотларни йўқ қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги акс эттирилган.

(Давоми 2-саҳифада)



(Боши 1-саҳифада)

## ТИНЧЛИК УЧУН, МАЪРИФАТ УЧУН

Хусусан, “Таълим тўғрисида”-ги қонун “Маърифий фаолият”га бағишланган янги норма – 141-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, маърифий фаолият шахснинг шахсий, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан камол топиши, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён этиш, индивидуал салоҳиятини, имкониятларини, мулоқот қилиш қобилиятларини яхшилаш учун зарур кўникмалар ва малакаларни шакллантиришга қаратилган, давлат таълим стандартлари билан камраб олинмайдиган фаолият тури ҳисобланади.

Маърифий фаолият:

- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ҳисобга олинган ҳолда, республика ижро этувчи ҳокимият органлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Қонунда, шунингдек айрим тоифа шахслар томонидан маърифий фаолиятни амалга ошириши мумкин эмаслиги нормаланди. Яъни:

- жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида жалб этилган (суд ҳукми қонуний кучга киргунига ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар);
- жинсий эркинликка қарши жиноятларни;
- оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни;
- тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятларни;
- Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларни;
- фирибгарликни;
- бошқарув тартибига қарши жиноятларни;
- гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугал-

ланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар;

□ суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

□ психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турган шахслар маърифий фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас.

Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиб-таомиллари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач (2025 йил 6 февралдан) кучга қиради. Ҳукуматга маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Юристар тилида айтганда, моддий ҳуқуқнинг мазкур нормасини мустаҳкамлаш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиш” деб номланган янги норма – 594-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, маърифий фаолиятни бундай фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан амалга ошириш ёхуд маърифий фаолиятни амалга ошириш бўйича қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя этмаслик, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодекда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сўз маънавийатчининг, илму урфон тарқатувчининг масъулияти ва компетентлиги ҳусусида кетмоқда. Модомики, педагог «бола етакловчи» экан, у айна мана шу вазифага энг муносиби бўлиши шарт.

Сўнги сўз ўрнида, шуни демоқ истадик: Ҳа, биз “Бир бўлсак – халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!”

Қонун қабул қилинди. Кучга киргач, навбат – амалий ишларга, деймиз.

**Миродил БАРАТОВ,**  
**“Маърифат” тарғиботчилар**  
**жамияти аъзоси,**  
**юридик фанлар доктори,**  
**профессор**



(Боши 1-саҳифада)

## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ

бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эга”.

Юқоридаги норма шуни англатадики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосда бўлиб турган ҳар бир шахс, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб исталган вақтда, исталган жойига эркин ҳаракатланиши ва ўзининг истиқомат қиладиган жойини эркин, ҳеч кимнинг тазйиқсиз танлаш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган, аммо қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно деган қисмига ҳам эътибор беришимиз керак. Яъни бирор бир жиноий ҳаракатни содир этиш, маълум бир жиноятга гувоҳ бўлиб қолиш ва шунга ўхшаш ҳолатларда фуқароларга му-

айян чекловлар ўрнатилади. Нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки чет давлатда ҳам фуқаролар бемалол ҳаракатланиш ҳуқуқига эга ва инсоннинг ушбу шахсий ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, чет давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳеч қандай тазйиқ ёки босимларсиз Ўзбекистон ҳудудига қайтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги роли ҳам Конституциямизнинг 54-моддасида ўзининг алоҳида ўрнини топган: “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг исталган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Юқоридаги норма давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизимнинг асосий принципларидан бири бўлиб, давлатнинг асосий вазифаси давлат ва жамият фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашдан иборат. Давлат бу борадаги барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади ва давлатнинг энг олий мақсади ҳам инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир.

**Маҳбуба НОРМУРОДОВА,**  
**Тошкент давлат юридик**  
**университети**  
**ҳузуридаги М.Восиқова номли**  
**академик лицей ўқувчиси**



# КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ



**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2024 йил 18 ноябр куни ўтказилган сайловдан кейинги биринчи мажлисида нутқ сўзлади. Давлат раҳбари депутатларни бундай шарафли мақомга сазовор бўлганликлари билан қутлар экан, уларга ўз вазифаларини бажаришда фаол бўлишларини таъкидлади.**

Давлат раҳбари нутқида, аввало жамиятдаги муҳим масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилиши кераклигини эътироф этиб, бажарилиши зарур бўлган долзарб масалалар ва стратегик вазифалар бўйича ўз тавсияларини берди. Хусусан, депутатларни мамлакатда камбағалликни қисқартириш масаласида ўз округларида энг фаол иштирокчи ва тарғиботчи бўлишга чақирди.

Камбағалликни қисқартиришда депутатларнинг ўрни жуда муҳим бўлиб, уларнинг фаолияти мамлакатда ижтимоий-иқтисодий тенгликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. Бу чақирик, айни пайтда, мамлакатимизда ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги устувор вазифалардан бири сифатида аҳамиятлидир.

Камбағалликни қисқартириш масаласи фақатгина иқтисодий ёки молиявий муаммо эмас, балки жамиятимиздаги ҳар бир фуқаронинг қадрини улуғлаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифадир. Бу вазифа депутатларнинг фаолиятида ҳам алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Улар нафақат қонун чиқарувчи, балки ўз округларида камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишларни ҳам ташкил этувчи шахслар бўлишлари лозим.

Таъкидланганидек, яқинда тасдиқланган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Бу дастурнинг муваффақиятида депутатларнинг фаол иштироки ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Улар ўз округларида ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиши, шунингдек, аҳоли ўртасида

дастурнинг аҳамиятини тушунтиришда етакчи тарғиботчилар бўлиши зарур.

Айтиш лозимки, 2020 йилдан бошлаб камбағаллик билан курашиш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шу йилда “Кўп ўлчовли камбағаллик индекси” стандартлари ва халқаро тажриба ўрганилиб, бу борада Ўзбекистон методи ишлаб чиқилди ҳамда камбағаллик даражасини аниқлашнинг Минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш усули жорий этилди.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5%дан 2024 йил бошига келиб 6,8%га тушди. Камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17%дан 2024 йил бошига келиб 11%га тушганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Бундан ташқари шу даврда 3,5 миллион одам даромадли бўлди.

Камбағалликка қарши курашиш масаласи узоқ муддатли ва тизимли ёндашувни талаб этади. Президент таъкидлаганидек, ҳар бир депутат ўз округида камбағалликни қисқартириш йўналишида амалий ишларни олиб бориши учун маҳаллий аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари керак. Бу борада, айни пайтда, ҳар бир оила билан индивидуал ёндашув, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Жойларда тадбиркорликни ривожлантириш учун давлат томонидан кўрсатилаётган имтиёз ва субсидиялардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш депутатларнинг амалий фаолиятида устувор йўналишлардан бири бўлиши керак.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунга келиб, “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури асосида камбағал аҳолини ишга қабул қилган тадбиркорларга солиқ, божхона имтиёзлари берилди. Бунинг натижасида, 460 минг камбағал аҳоли касбга ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Бундан ташқари камбағалликни қисқартиришда Хитой тажрибаси ўрганилиб амалиётга жорий этилди, икки эҳтиёж — озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш, уч кафолат — сифатли ўрта таълим, тиббий хизматлар ва бошпана билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Депутатларнинг маҳаллий аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши, уларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга ечим топиш учун масъулиятни зиммасига олиши, шунингдек, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида кўприк вазифасини ўташи лозим. Президент Мирзиёев таъкидлаганидек, камбағаллик даражасига тушиб қолган

одамларнинг онгини ўзгартириш, уларда эртанги кунга ишонч ва келажакка интилишни қўллаб-қувватлайдиган сиёсий куч, албатта,

аввало, депутатлар бўлиши зарур.

Депутатларнинг аҳоли билан бевосита мулоқоти, уларнинг муаммоларини эшитиш ва ечим топишга қаратилган фаолияти камбағалликни қисқартиришда катта роль ўйнайди. Президент таъкидлаганидек, ҳар бир депутат ўз округидаги фуқаролар билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун бор куч-ғайратини сарфлаши зарур. Бунинг учун улар маҳаллий даражадаги муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатиб, халқ ишончини оқлашлари лозим.

Камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсати самарадор-

лигини ошириш учун депутатлар ўз округларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан яқиндан ишлашлари, уларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Шунингдек, камбағалликни камайтиришга қаратилган турли давлат дастурлари ва ташаббусларининг амалга оширилишида депутатларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда соҳадаги мавжуд муаммоларни адолатли ҳал этишнинг янги ва ўзига хос тизими яратилиб, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари жорий этилгани бугун ижтимоий масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилаётганлиги таъкидлаш лозим.

Депутатлар, шунингдек, ўз округларида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган дастурларни амалга оширишда фаоллик кўрсатишлари лозим. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар, тадбиркорлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш, аҳолига бизнес юритиш учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратишни ташкил этиш ҳам муҳимдир. Улар ўз округларида камбағалликни қисқартириш бўйича амалий қадамлар қўйиб, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга кўмаклашишлари лозим. Бу борада депутатлар ўз билим ва тажрибаларини, давлат томонидан яратилган имкониятларни тўлақонли амалга оширишлари зарур.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 18 ноябрдаги нутқида депутатларга катта масъулият юклади. Камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш борасида депутатлар ўз округларида энг фаол иштирокчи ва тарғиботчи бўлишлари лозим. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз турмуш даражасини янада яхшилашга, мамлакатимиздаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

**Инобат ҲАКИМОВА,**  
**“Тараққиёт стратегияси”**  
**маркази бош мутахассиси**

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларни касбий таълимга ўргатиш, касб-хунарга йўналтиришни тубдан яхшилаш, тилни пухта ўргатиш, Германия тажрибасини мукамал эгаллаш, техникумлар билан корхоналар ўртасидаги алоқани яхшилаш, дуал таълим тизимини ривожлантиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

## МАЛАКАЛИ

# МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Бу эса, шубҳасиз, таълим соҳаси мутасаддилари олдида долзарб вазифаларни қўйди. Бу борада Сирдарё вилояти Ширин энергетика коллежида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Коллеж 660 ўринга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда замонавий ўқув-амалий жиҳозлар билан таъминланган ҳамда ўқувчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Коллежда 13 та касб ва мутахассисликлар бўйича салкам 600 нафар ўқувчи тахсил олмакда. Жумладан, электромонтёр, электр станциялари ускуналарини таъмирлаш бўйича чилангар, ахборот воситалари машиналари ва компьютер тармоқлари оператори, пайвандловчи (электргазпайвандлаш) ҳамда автомобиль шассиларига техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда касб-хунар сирларини ўрганишмоқда. Шунингдек, сиртки бўлимда ҳам 100 нафарга яқин ўқувчи тахсил олмакда.

2019 йилдан буён энергетика вазирлиги ташаббуси билан Саудия Арабистонининг «ACWA POWER» компанияси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Компания ташаббуси билан асосий ўқув биномиз, ўқув устахонаси, спорт залимиз, 155 ўринли фаоллар зали, 200 ўринли ошхона, 260 ўринли талабалар ётоқхонаси мукамал таъмирдан чиқарилди. Мини футбол, волейбол, баскетбол майдончалари на теннис кортлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда компания билан алоқаларимиз жуда яхши. Компаниянинг таълим бўйича лойиҳа менеджери Хоссам Аҳмад Ҳассанени ва компания ходими Абдулмажид Азоузларга коллежда ижодий иш қилишлари учун шароит яратиб берганмиз. Улар компания номидан биз олиб бораётган таълимий-тарбиявий ишлар билан бевосита танишиб, маслаҳатлар бериб, халқаро стандартлар талаблари нуктан назаридан коллеж ўқитувчилари ва муҳандис-педагоглари учун семинар-тренинглар ўтказиб туришади. Жорий ўқув йили-

дан бошлаб ўқув корпусимизнинг учинчи қавати, ўқув устахонамизнинг эса иккинчи қаватида алоҳида техник фанлар ҳамда чуқур ўрганиладиган фанлар ўқитилиши учун қўшимча имкониятлар яратиб бердик. Мақсадимиз шогирдларимиз инглиз тилида бемалол мулоқот қилган ҳолда жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган кадрлар бўлиб етишишсин. Компаниянинг раиси, жаноб Абу Найан ҳам коллежимизга келиб, биздаги шароитлар билан шахсан танишди, дарсларга кириб ўқувчиларни тинглади, таассуротлари яхши эканлигини мамнуният билан билдирди.

2023-2024 ўқув йилида махсус чуқурлаштирилиб ўқитиладиган гуруҳларимизга 150 нафар ўқувчи қабул қилгандик. Уларни худди ўтган йиллардагидек махсус дастур асосида 5 та гуруҳда ўқитдик. Шунингдек, оддий гуруҳларимизга 30 нафар ўқувчи қабул қилиб, улар билан ҳам фаол иш олиб бордик. Янги 2024-2025 ўқув йилида коллежга 180 нафар ўқувчи қабул қилдик. Бу йил чуқурлаштирилган гуруҳларга 300 нафар ўқувчини қабул қилишни режалаштирганмиз.

«ACWA POWER» компанияси томонидан ҳомийлик маблағлари ҳисобидан компьютер жамланмалари, телевизорлар ва оргтехникалар келтирилди. Бундан ташқари 3 квтлик қуёш панеллари ўқув майдончаси, қуёш-сув коллектори ўқув машқ майдончаси, ўқувчилар учун ўқув амалиёти формалари келтирилди ва улардан фойдаланилиб келинмоқда. Шунингдек, коллежда жами 166 та компьютер мавжуд бўлиб, шундан 95 таси 2021 йилда ҳомий ташкилот томонидан келтирилган. Коллежда тўлиқ компьютерлаштирилган электрон кутубхона амал қилади. Коллеж устахонасида барча коллежлар учун ноёб ҳисобланадиган миностанция мавжуд ва у нормал иш ҳолатида. Ўқувчилар миностанциядаги амалиёт жараёнларини кузатиш давомида бевосита иссиқлик электр станциясида электр токи ҳосил бўлиши жараёнини кузатган-



дек таассуротга эга бўлишади. Бу эса таълим жараёнида жуда муҳимдир. Шунингдек, АСКУЭ лаборатория, электр ускуналари ва жиҳозларини таъмирлаш устахонаси, автомобиль валлари ва блоklarига техник хизмат кўрсатиш устахонаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, пайвандлаш устахоналари ҳам талабаларни касб-хунарга ўргатишда муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда. 260 ўринга мўлжалланган талабалар уйи ҳам барча қулайликларга эга ҳолда жиҳозланган.

Ўқув йили якунлари бўйича таҳлил қилганимизда коллежни 2024 йилда тугатган битирувчиларимиздан 67 нафари республикамизнинг турли олийгоҳларига қабул қилинган, 61 нафари турли корхоналарга ишга қабул қилинган бўлса, 74 нафари ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатидан ўтган, 35 нафари турли сабабларга кўра ўқувчилар сафидан четлаштирилди, 35 нафари коллежда ўқишни давом эттирадиган бўлишди, қолганлари эса ишга жойлаштирилиш жараёнида.

Коллеж энергетика соҳасидаги корхоналарга мутахассислар тайёрлайди. Келгусида қайта тикланувчи энергия соҳасида қуёш ва шамол ҳамда буғ-газ станцияларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлаш бўйича ишлар олиб бормоқдамиз.

Ҳозир мамлакатимиз ўқитувчилари илм-фан ва технологиялар тез ривожланаётган, бутун дунёда

рақобат кучайиб бораётган шароитда мустақил давлатимиз келажакдаги бугунги ёшларнинг билим ва истеъдодларига боғлиқлигини яхши билишади. Салоҳиятли ёшларнинг ўз интеллектуал қобилиятларини рўёбга чиқариш учун эса қулай шарт-шароитлар, ишончли кафолатлар керак бўлади. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шу қулай шарт-шароит ва ишончли кафолатни берадиган ҳужжат бўлди назаримизда.

Яқин орада Россия Федерациясининг Қозон давлат энергетика университети билан ҳамкорлик қилиш шартномасини имзолаш арафасида турибмиз. Шунингдек, Беларуссиянинг Могилёв давлат энергетика коллежи билан шартномаларни имзолаб олсак, келгусида коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётларини Россия на Беларуссия шаҳарларида ташкил қилсак ҳам ажабмас. Бу эса бизни Янги Ўзбекистонда янги-янги имкониятларга эга бўлишимизга, янги муваффақиятларни қўлга киритишимизга ишонч бераверади.

**Ал Форобий ҲУСАНОВ,**  
Ширин энергетика коллежи  
директори.

# УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛИМОҚДА



**Маълумки, жорий йилнинг 5 август куни давлатимиз раҳбари томонидан халқимиз узоқ кутган “Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги 937-сонли Қонун имзоланди ва жамоатчилик эътиборига тақдим этилди. Мазкур қонунда аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган уй-жой ва ерга доир масалалари ижобий ечим топиши кўзда тутилган.**

Қонунда қуйидаги ер ва мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилмоқда:

1) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар яқка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

2) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортикча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

3) «бир марталик акция» доирасида (2018–2019 йиллар) ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

4) 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокими қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;

5) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар-жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;

6) кичик саноат зоналарига 2020 йил 9 мартгача жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкасига;

7) давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига;

8) ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига.

Қонунда назарда тутилган асосларда ва тартибда фақат ижара ҳуқуқи, ушбу ер участкаларида қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи эътироф этилади.

Бунда ижара муддати яқка тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер



участкалари учун тўқсон тўққиз йил, бошқа ер участкалари учун қирқ тўққиз йил этиб белгиланади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан эътироф этилади.

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этилишига қуйидагича талаблар қўйилган:

ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши;

ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд эмаслиги;

ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги;

муҳофаза зонасида, суғориладиган ерда жойлашмаганлиги;

бош режа талабларига зид эмаслиги (мавжуд бўлса);

хар бир категорияга хос бошқа шартлар (инвестиция мажбурияти бажарилганлиги, ширкат аъзоси ҳисобланиши ва бошқалар).

Яқка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи қуйидаги ўлчамларда эътироф этилади:

агар ер участкаси 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса, — барча ҳудудларда 0,24 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда;

агар ер участкаси 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса, — Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 0,06 гектардан, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда.

Ушбу ҳажмдан ортикча ерлар, агар низо бўлмаса, деҳқон хўжалиги ёки томорқа хўжалиги юритиш

дудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда Кадастр агентлиги маҳаллий ҳокимликлар билан келишган ҳолда маҳаллалар кесимида режа-график ишлаб чиқилади ва бу режа ОАВлар, ижтимоий тармоқ ҳамда маҳаллаларда эълон қилиб борилади.

Айни пайтда Тошкент вилояти ҳудудида 1028 та маҳалла бўлса, 2024-2025 йиллар учун тасдиқланган режа-жадвал асосида кадастр муҳандисларимиз томонидан хатлов ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун муҳандисларимиз учун аввалдан семинарлар ўтказилиб, услубий қўлланмалар ва зарурий жиҳозлар билан таъминланган.

Шунингдек, Қонун ижросининг таъминланишида шаффофликни таъминлаш ва коррупцион ҳолат-

ларнинг олдини мақсадида хатлов ишлари бошқарманинг Коррупцияга қарши кураш бўлими томонидан назоратга олинган бўлиб, бу борада аҳолини ҳам ҳушёрликка чорлаган бўлардик. Сабаби, мазкур қонуннинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, жараён тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади. Яъни фуқаролардан ҳеч қандай ҳужжат ҳам, мурожаат ҳам талаб этилмайди. Барча ишлар масъул ташкилотлар томонидан “Эътироф” электрон дастури орқали амалга оширилади.

ушбу расмийлаштириб берилди. Қонунга кўра, ер ва биноларни қонунийлаштириш учун қуйидаги миқдорларда бир марталик тўлов ундирилади:

Тошкент шаҳрида – БХМнинг 5 баравари (1,7 млн сўм);

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – БХМнинг 3 баравари (1,02 млн сўм);

вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда – БХМнинг 2 баравари (680 минг сўм);

бошқа аҳоли пунктларида – БХМнинг 1 баравари (340 минг сўм);

қолган ҳолларда бир марталик тўлов тегишли ҳудуддаги ўртача аукцион баҳоси миқдорида тўланади.


Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари, олдинги “акция” вақтида йиғим тўлаган шахслар тўловдан озод қилинади, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида киритилган шахсларга 50 фоиз chegirma берилди.

Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳу-

ларнинг олдини мақсадида хатлов ишлари бошқарманинг Коррупцияга қарши кураш бўлими томонидан назоратга олинган бўлиб, бу борада аҳолини ҳам ҳушёрликка чорлаган бўлардик. Сабаби, мазкур қонуннинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, жараён тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади. Яъни фуқаролардан ҳеч қандай ҳужжат ҳам, мурожаат ҳам талаб этилмайди. Барча ишлар масъул ташкилотлар томонидан “Эътироф” электрон дастури орқали амалга оширилади.

Шу ўринда аҳолидан ҳам мазкур қонун ижросига бефарқ бўлмасликларини ва хатлов жараёнида фаол бўлишларини, кадастр муҳандисларимизга ўлчовларни амалга оширишлари учун зарурий шароитларни яратиб беришларини сўраб қолган бўлардик.

**Жасур АХРОРОВ,**  
Давлат кадастрлари палатаси  
Тошкент вилояти бошқармаси  
бошлиғи



# УЛУҒ УСТОЗ ВА МУНОСИБ ШОГИРД

“Муҳаммад Раҳимхон ҳукуматининг тўртланчи йили зулкаъданинг ўнида шанба куни Эрнийезбекка ким, фақирнинг инисидир, ҳазрати воҳибул атоиёт бир фарзанди аржуманду валади саодат пайванд ато қилди ва ул нури ҳадақаи жалол ва нури ҳадақаи камол Муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди”.

Муҳаммад Раҳимхон 1 нинг тахтга ўтирганининг тўртланчи йили ҳижрий 1224, мелодий 1809 йилга тўғри келади. Муниснинг аниқ маълумотига кўра Огаҳий 1809 йилнинг 17 декабрида дунёга келганлиги маълум бўлади.

Маълумки, Мунис Шарқ мумтоз адабиётининг Низомийдан тортиб ўзи яшаган даврга қадар ўтган сўз санъаткорларининг ижодини яхши билган ва улардан илҳомланган. Ёш Огаҳий ҳам Низомий, Жомий, Навоий, Саъдий, Фузулий ва бошқа ўнлаган шоирлар ижодини илк бора Мунис тавсияси ила ва у такдим этган китоблар орқали ўқиб-ўрганган ва қалбида чексиз завқ шавқ туйган бўлса ажаб эмас. Айниқса, Навоий ижоди Мунис учун, кейинчалик Огаҳий учун ҳам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Мунис ўз шеърларида маъни айтурда Навоий руҳи унга хомий эканлигини қайд қилиб:

*Сўз ичра Навоийки, жаҳонгирдурур,*

*Мунисга маоний йўлида тир дурур,*

деб ёзган бўлса, Огаҳий бир ғазалида:

*Огаҳий ким топқай эрди*

*сози назмингдин наво,*

*Баҳра гар йўқтур Навоийнинг*

*навосидин санго,*

дея мисралар битган эди.

Юқорида номлари тилга олинган улуғлар китоблар орқали маънавий пирлик қилган бўлсалар, Шермуҳаммад Мунис ҳазратлари эса Огаҳийга бевосита устозлик қилдилар.

Яхшига эргашган кам бўлмайти, дейди халқимиз. Отадан эрта жудо бўлган Муҳаммад Ризо ҳаётда, туриш-турмушда амакисига ўхшашга ҳаракат қилганлиги, ижодда ҳам улкан истеъдод соҳибидан ўрнак олганлиги, кейинчалик Муниснинг давлат арбоби, шунингдек, шоирлик, таржимонлик, тарихнавислик соҳасида чинакам ва етук издоши бўлиб етишувида катта аҳамият касб этди. Огаҳий зиммасига Муниснинг нафақат давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг,

балки таржимонлик, тарихнавислик бобидаги изланишларининг давомчиси бўлиш масъулияти тушди.

Мунис томонидан амалга оширилаётган XV аср тарихчиси Муҳаммад бинни Хованд Мирхонднинг дунё тарихига бағишланган кўп жиллик “Равзатус-сафо” асари таржимаси бевақт ўлим туфайли II жилдга келганда чала қолиб кетган. Шу жилднинг давоми ва III жилднинг тўла таржимаси Огаҳий томонидан охирига етказилган. Шунингдек, Мунис бошлаган “Фирдавсул-иқбол” тарихий асари ҳам Огаҳий қалами билан ниҳояланган.

Огаҳийнинг устози ўрнига хонликда бош мироб этиб тайинлангани давлат арбоби ҳамда ижодкор сифатида юксак мавқега эга Мунис хотирасига катта ҳурмат, айти пайтда унинг йигирма ёшни қаршилаган навқирон шогирдига бўлган ишонч ва муносиб баҳо белгиси эди. Огаҳий шеърляти, ундаги мавзулар, услубий жиҳатлар Мунис ижодиётига ҳамоҳанг. Ҳатто, устоз шогирдлар девонлари номлари ҳам бир бирига удаш: “Мунис ул-ушшоқ”, “Таъвиз ул-ошиқин”.

Огаҳий барча амаллари, ижодий фаолияти билан ўз таъбири билан айтганда “устози киромий” Мавлоно Мунисга муносиб бўлишга интилди ва унинг анъаналарига бир умр содиқ қолди. Бу эҳтиром ва садоқатни Муниснинг кўплаб ғазалларига мухаммаслар бойлаш орқали ҳам ифода этди.

Наслу насаби, маслаги, орзу интилишлари бир бўлган бу икки зоти шарифнинг охираат жойлари ҳам яратганнинг иноятлари билан ёнма-ён, бир гумбаз остида. Хива шаҳри яқинида жойлашган Қиёт қишлоғидаги Шайх Мавлон бобо қабристонига бу гумбаз Огаҳий ҳазратларининг 190 йиллиги тантаналари арафасида қайта тикланди.

Яхшидан шарофат деганларидек, қишлоқдаги Огаҳий ва Мунис боғлари, уй музейи, адабиёт ихлосмандлари, шоир ва ёзувчиларнинг, бутун халқимизнинг табаррук зиёратгоҳига, маданий-маърифий тадбирлар масканига айланган.


**Отабек ИСМОИЛОВ,**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси.

Устоз отангдан улуғ, дейдилар. Шу жиҳатдан олганда ҳамшиша Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ҳазратларининг хотирасини ёд айлаб, у зотга эҳтиром кўрсатар эканмиз, даставвал, у кишига пиру устозлик қилган ҳар жиҳатдан камолга етишувида жонфидалик, раҳнамолик кўрсатган Шермуҳаммад Авазбий мироб ўғлини яъни Мунис Хоразмийни зўр ҳурмат ила тилга олишимиз лозим бўлади.

Маълумки, Шермуҳаммад Мунис Муҳаммад Ризо Огаҳий дунёга келганда шоир, тарихчи, таржимон ва давлат арбоби сифатида эл-улус орасида шуҳрат топган, муносиб обрў-эътиборга эришган кишилардан бири эди.

Огаҳийга яратганнинг ўзи бахш этган иноятларнинг биринчиси унинг катта истеъдоди бўлса, иккинчиси адабиёт ва санъатга ошно қалб эгалари истиқомат қилувчи оилавий муҳитда таваллуд топганлигидир. Оталари Эрнийезбек гарчи деҳқончилик билан машғул бўлсада, унинг оға-инилари Мунис, қолаверса Рожий (Муҳаммад Қиличбек), Нозим (Муҳаммад Ёққуббек) лар ҳам ўз даврининг таниқли шоирлари эдилар.

Оилавий давралардаги созу суҳбатлар, баҳсу мунозаралар, қолаверса, мушоиралар ёш Муҳаммад Ризо истеъдодининг илк тарбия мактаби бўлганлиги шубҳасиз. Айниқса, Шермуҳаммад Мунис ўз жиянининг тарбиясига астойдил киришгани, умрининг охиригача раҳнамолик қилганлиги таҳсинга лойиқдир. Ҳатто, Огаҳийнинг таваллуди билан боғлиқ аниқ маълумотларни ҳам Мунис ўзининг «Фирдавс ул - иқбол» номли тарихий китобига муҳрлагани диққатга сазовордир.



Ўзбек халқининг бой маънавий меросига, улардаги ўзаро меҳр-оқибатга баҳо берган сиёсатшунос олим Леонид Левитин ўзининг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” китобида ўзбек маҳалласининг тарихий ривожланиш босқичларини атрофлича таърифлаган. Шу каби қўлаб хорижий жамиятшунослар ва олимларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ўзбекона модели ҳисобланмиш маҳалла институтига берган таърифларидан ҳам шуни англаб олиш мумкинки, маҳалла тарбия ўчоғи сифатида доимо шахс камолотининг маънавий сарчашмаси бўлиб қолаверади.

## ФАОЛ ВА НУФУЗЛИ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМА

Бугунги кунда давлатимиз томонидан маҳаллаларга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Хусусан, жорий йилнинг 2-5 октябрь кунлари давлатимиз раҳбарининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси асосида Самарқандда “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида ўтказилган Биринчи халқаро конференцияда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларда маҳалланинг иштироки, “маҳалла еттилиги” фаолияти атрофлича ўрганилди.

Конференция яқунлари бўйича БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа ҳамкор халқаро ташкилотлар томонидан яқуний Декларация имзоланди. Мазкур Декларация БМТ Бош қароргоҳида расмий ҳужжат сифатида қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

БМТнинг олтита расмий тилида эълон қилинган ушбу ҳужжатда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани таъкидланган. Маҳалла тизимининг родини кучайтириш ва ваколатларини кенгайтириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилган.

Фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда

ҳал этишга ҳақли. Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

Маҳалланинг асосий вазифаларидан бири ижтимоий вазифадир. У аввало, одамлар ўртасида ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва маънавий тарбия тизимини шакллантиради. Маҳалла доирасида ўзаро алоқалар, оилавий ёрдам, нафақалар ва ижтимоий ҳимоя механизмлари яратилган.

Маҳалла фаолиятида оила институтининг аҳамияти катта, чунки ҳар бир оила маҳалланинг бир қисми сифатида ўзининг муаммолари ва эҳтиёжларини кўтаради. Жамиятдаги кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, бева ёки ёлғиз кексалар учун маҳалла ёрдами жуда муҳим роль ўйнайди.

Маҳалла, шунингдек, сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этади. Ҳар бир маҳалла фуқароларни сайловларга, жамоат ишларига жалб қилишда, давлат сиёсатиغا нисбатан фикр ва мулоҳазаларни шакллантиришда иштирок этади. Маҳалла тизими фуқароларни жамиятдаги воқеаларга жалб қилиш, уларнинг давлат билан мулоқотини оsonлаштиришда муҳим восита ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев: “Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжихатлик, маърифат ва тарбия кўрғонидир”, деб бежиз таъкидламайди. Чунки, маҳалла жамиятдаги нуфузли тузилма сифатида нафақат ижтимоий ёрдам тизимла-

рини, балки маънавий кадриятларни ҳам сақлаб келади.

Маҳаллада ёшларни тарбиялаш, ёш авлод онгига миллий анъаналар ва кадриятларни синдириш, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни тарғиб этиш каби масъулиятли вазифалар амалга оширилади. Маҳалла жамиятнинг асосий устунларидан бири сифатида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга, чунки у миллий маданият ва маънавиятни сақлашда бекиёс ўрин тутади.

Маҳалла ўз ҳудудида кичик бизнесни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий кўтаришда ҳам иштирок этади. Давлатнинг маҳаллага доир қабул қилган иқтисодий дастурлари ва қўллаб-қувватлаш механизмлари маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли учун ижобий натижалар бермоқда.

Мухтасар айтганда, маҳалла – жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимларида фаол иштирок этмоқда. Янада муҳими, замонавий шароитда маҳалла нафақат анъанавий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш тузилмаси, балки инновацион ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишнинг самарали воситаси сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлашда изчил давом этмоқда.

**Наврўзбек АСЛОНОВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази таянч  
докторанти

### Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати –  
Ўзбекистон  
Либерал-  
демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари  
миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарк” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1210  
Адади: 1015

Пайшанба кунни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарк”  
нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
масъул.

Маълумот учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

# Қадр -

Ёшлигимизда аллақайларда сандираклаб, тун яримлаганда уйга қайтганимизда, ухламай, бедор ётган ота-оналаримиз: “Боландан қайтсин” дея беозоргина дашном беришар эди. Улғайдик, журналистика деган соҳанинг этагидан тутдик. Такдир бизни газетачиликда турфа инсонлар, етук каламкашлар, маҳоратли Бош муҳаррирларга рўбарў қилди.

## Яхши амаллар билан ўлчанади



Аббосхон Усмонов «Халқ сўзи»нинг Фаргона вилояти бўйича муҳбири Набижон Собиров билан.  
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Камтарона ҳаётим давомида кўплаб раҳбарлар кўл остида меҳнат қилдим. Уларнинг эзгу фазилатларини ўзимга сингдиришга, тажрибаларидан сабоқ олишга, инсонлар билан муносабатда улар каби бўлишга интилдим. Таъкидлаш жоизки, ярим аср бадалида ички маданияти ниҳоят даражада юксак, ташки жиҳатдан фариштаси иссиқ инсонни – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аббосхон Усмонов сиймосида кўрдим.

Аббосхон Усмонов! Бу муҳтарам устозимиз ҳақида хўп ва кўп гапириш мумкин. У ўн йилдан зиёд даврда республикамизнинг асосий ва расмий нашри — “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарига Бош муҳаррирлик қилган замонлар нафақат менинг, балки юзлаб каламкашлар ҳаётида ёрқин из қолдирган, деб айтсам тўғри бўлади. Сўзимнинг аввалида ота-онамизни гўрлик қилиб ранжитганимизда уларнинг берган дашномларини айтиб ўтган эдим. Кун келиб бошимизга тушди. Суюкли меҳрибонларимизнинг ўша пайтдаги хавотирларини бутун вужудимизда ҳис этдик. Эвоҳ!

Ўшашликни қаранг, газетачиликда оғзимизга келган гапни чуқурроқ мағзини чақмай ёки ёшлик ҳиссиёти жўш уриб андозага сиғмайдиган битикларни қоғозга тушириб, уни чоп эттира олмай, Бош муҳаррирдан ранжиганларимиз ҳам бор гап. Шунда Аббосхон ака: “Бошингга тушсин, сен ҳам Бош муҳаррир бўлгин” дея суюб алқарди. Шу қисмат кўпчилигимизнинг чекимизга тушди. Устознинг дуоиси ижобат бўлди. Бош муҳаррирлик ёнғок қақишдек осон иш эмаслигини ҳар томондан ҳис этдик. Айниқса, баланд билан пастни (сиёсатда) мувозанатда ушлаб туриш ўта мураккаблигини бошдан ўтказдик.

Шу ўринда: “Хўш, ўзинг Аббосхон Усмоновдан ҳаётинг ва касбий жиҳатдан қайси эзгу фазилатларни ўргандинг” деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Аббосхон Усмонов “маҳаллийчилик” деган иллатдан таъбир жоиз бўлса ҳазар қилар, жамоада бу иллат заррадек кўриниш берса, ўша заҳоти унга қарши қақшатқич зарба берар эди. Унинг учун комил инсон, яхши ижодкор, ўз касбини севгучилар ардоқли эди. Икки тилда чоп этилаётган, ўндан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилаётган газетада сиёсий ва ижодий муҳитни, ўзаро тенгликни барқарор ушлаб туриш эса энг катта масалалар. Муҳими, Аббосхон ака бу борада ҳам кенг тафаккури ва ўткир зехни боис тенгсиз эди.

Аббосхон Усмонов республикамиз матбуотида биринчилардан бўлиб хонага биқиниб олиб ишлаш аънанасидан воз кечиб, кўшалок тахририятни тутатиб иккита катта залга, бунда бўлимларни ойна билан ўралган замонавий блокларга жойлаштирди. Ходимларнинг тўла-тўқис компьютер билан таъминланиши эса матн терувчилар юқини

80-90 фойизга енгиллаштирди. Янгилик шарофати билан ҳар бир ходим материаллини ўзи териб тармок (сеть) орқали керакли нуктага узагадиган бўлди. Шунингдек, ижод аҳлининг компьютерда ишлаш саводхонлиги ошиши баробарида, материалларни тахрирлаш осонлашди, тонналаб қоғоз тежалди. Янгилик иқтисодий жиҳатдан ҳам самара кўрсатиб ходимларнинг моддий фаровонлиги юксалди. Бу жараёнлар 2000 йиллар бошида соҳада катта воқелик сифатида эътироф этилганди.

Аббосхон ака бир гапни кўп такрорлар эди. У: “Қора кути (компьютер) га термилиб ўтиравермай, худудларга чиқиб, халқ ҳаётини обдон ўрганиб, тахлилий материаллар ёзсаларинг бўлмайдами” дея жўяли танбех берар, журналистларни халқимиз ҳаётини чуқурроқ ўрганиш ва реал вазиятни қаламга олишга ундар эди.

У Бош муҳаррирлик қилган даврларда “Журналист суриштируви” рукнида ўнлаб шов-шувли материаллар чоп этилди. Пиравардида матбуотнинг таъсирчанлик кучи орқали кўплаб ҳақсизликка учраган инсонларнинг ҳуқуқлари тикланиши билан бирга улар маънан руҳландилар. Ҳабибулло Олимжонов, Қурбон Эшматов, Абдунаби Ҳайдаров каби ҳамкасбларимиз ҳарбийлар тили билан айтганда, “Журналист суриштируви”нинг капитанига айланишди.

Бундан ташқари, Аббосхон Усмонов чет муаллифларни ижодий жараёнларга жалб этиш борасида ҳам жуда салмоқли ишларни рўёбга чиқаришга эриша олди. Айниқса, халқ ардоғидаги зиёлилар — Озод Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Муҳаммад Юсуф, Александр Файнберг, Сайди Умиров каби номдор инсонларни тахририятларнинг чинакам фидойисига айлантирди. Айни пайтда республикамизнинг турли соҳа ва тармоқларининг биринчи раҳбарлари иштирокида тахририятда “Бевоқиф мулоқот”лари йўлга қўйилиб, яқунда юзлаб чигал ма-

салалар ечимини топди.

Аббосхон ака Бош муҳаррирлик қилган даврда газеталарнинг оммавийлиги жуда баланд нуктага чиққан эди. Албатта, бунинг биринчи омили – жамоанинг халқчилликка интилиши, имкон қадар материалларда ортиқча ҳайбаракаллачиликка берилмаслик, газеталарда чоп этилаётган мақола ва суратларнинг сифати, дизайни каби омилларга оғишмай амал қилинганидир.

Яна эътиборга молик бир жиҳатга диққатингизни қаратмоқчиман. Аббосхон Усмонов ташаббуси ва савий-харакатлари ўларок, қатор йиллар давлатимиз мустақиллиги байрами арафасида республикамиз бўйлаб “Халқ сўзи” - “Народное слово” газетаси кунларининг ташкил этилгани бўлди. Ушбу тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат намояналари, илғор илм-фан вакиллари, тахририятлар ходимлари иштирокида аҳоли вакиллари билан бевоқиф мулоқотлар ташкиллаштирилиб, улар ўта таъсирли воқеликлар ҳамда ўчмас хотираларга айланиб кетарди.

Тадбирлар давомида халқимиз таъбири билан айтганда “ўчоқ бошидаги” журналистлар норасмий қабул ўтказиб, аҳолининг муаммоли ва долзарб масалалари бўйича ўрганишлар ҳам олиб боришарди. Кўтарилган масала вақти келиб газета саҳифаларида чоп этилар, то у ҳал бўлмагунча тахририят назоратида турар эди. Шу каби халқчил ва ижодий ёндошув туфайли тахририятга кунига юзлаб хат, телефон орқали муурожаатлар келиб тушар, уларнинг ҳар бири қаттиқ назоратда турарди. Ҳатто тахририятда махсус “Халқ қабулхонаси” ташкил этилиб, муурожаатчиларнинг дардига дармон бўлиш бирламчи масалалардан эди.

Албатта, иш бор жойда хато ҳам бўлади. Хато қилган, камчиликка йўл қўйган инсонни жазолаш Аббосхон аканинг табиатида зид эди. “Ҳайфсан”, “Огоҳлантириш”, “Аризангни ёз” каби жазо турлари устознинг “чўнтагида” деярли бўлмасди. Аксинча айбдорга

қарата мулоимгина қилиб: “Аканг айлансин, бу иш сизга ярашмабди” дейишининг ўзиёқ, айбдорга ҳам жазо, ҳам жиддий сабоқ бўлишга етарди.

Эътироф эътиш жоизки, кўшалок тахририятнинг обрў-эътиборини юксалтиришга хисса қўшган ижодий ва техник ходимларнинг хизматлари беиз кетмасди. А.Усмонов Бош муҳаррир бўлган йилларда ўнлаб жамоадошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига, халқаро ва республика танловларига голибларига айланишди. Энг муҳими, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида қалами чархланиб тажриба ва малака орттирган ўнлаб ижодкорлар эндиликда республикамизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларини бошқаришмоқда.

Аббосхон Усмонов анча муддат республикамиздаги отахон нашрлардан бири – “Правда востока” газетасига ҳам раҳбарлик қилди. “Тарки одат – амри маҳол” деганларидек, у “Бориға барака” дея сокин индамай ишлайдиган кишилар тоифасидан бўлмагани боис, тахририятнинг отам замонидан қолган барча жиҳозлари шу газета тили билан айтганда “утильга” чиқарилди. Йиллаб ранг кўрмаган хоналар девори ранг кўрди. Гичирлаб ётган полларининг “охи-зори” ўчди. Хуллас тахририят ходимларининг шарт-шароит борасидаги арз-додлари ниҳоясига етиб, уларнинг биргина эмин-эркин ижод қилишдан бошқа ишлари қолмади.

Англашимча, устоз ўз-ўзига савол берган бўлса керак: “Биродар, пича инсофинг борми, шунча вақт баҳоли-қудрат ишладинг, раҳмат эшитдинг, иззатда бўлдинг. Ортингда юзлаб шогирдларинг шиддат билан сени қувиб келмоқда. Нима, кимдир: “Бўлди етар, жойни бўшатинг оқсоқол”, демагунча ўтираверасанми? Уйдаги ва бошқа яқинларинг, невараларинг ҳам меҳрингга тўйсин, ахир. Босиб ўтган ҳаёт йўлингни битта китоб қилсанг, садағанг кетадими?”. Менимча, Аббосхон ака ҳаёлига келган фикрни қалбан маъқуллаб, доноларга хос позицияга чекинган бўлса керак.

Алқисса, бутун онгли ҳаётини ватанимиз равнақи ва тараққиёти, халқимизни илмли, маърифатли қилишга сарфлаган, қалб кўри ва кўз нуруни зиё таратишга тўққан Аббосхон Усмонов ўзининг қутлуғ 80 ёшини қаршилади. Биз шогирдларнинг тилагимиз азиз бошингиз омон бўлсин! Матбуотимиз ривожига ҳамда биз шогирдларга кўрсатган барча яхшиликларингиз учун катта раҳмат деймиз. Устоз, Сиз ўзбек матбуотининг энг тўрида ўтиришга муносиб инсонлар орасида борлигингиз биз шогирдлар учун чинакам фахр ва ифтихордир.

Саидолим ХАЙДАРОВ